МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

Mahalla

1996 йилдан чиқа бошлаган ✸ 2013 йил 10 июль. Чоршанба №58 (919) ✸ www.mahallagzt.uz ✸ info@mahallagzt.uz

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИДИР

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар жараёнида сайлов тўғрисидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Сабаби айнан сайловлар орқали фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишларига оид конституциявий ҳуқуқлари рўёбга чиқади.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида билдирилган ғоялар асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонуни миллий анъана ва урф-одатларимизни ўзида мужассам этган маҳалла институтини демократия дарсхонасига айланишида муҳим аҳамият касб этади. Зотан, маҳалланинг ҳуқуқий ваколатлари ортиши унинг демократик қадрият ва тамойиллар қарор топган мўътабар маскан сифатида шаклланишига замин яратади.

Янги таҳрирдаги қонуннинг 1-моддасида: «Ушбу Қонуннинг мақсади шаҳарча, қишлоқ, овул, шунингдек, шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги, овуллардаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат», деб белгиланган.

Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган сайлов орқали шакллантириладиган давлат ҳокимияти вакиллик органларини, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, хусусан, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш борасидаги фуқароларнинг ҳуқуқларини амалга оширишни таъминлашга қаратилган.

> [2]

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

МУШТАРАК ФАОЛИЯТ ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИГА УЙҒУНЛАШГАН

Янгиланишлар жараёни изчил давом этаётган, аҳолининг ҳуқуқий маданияти тобора юксалаётган бир пайтда жамоат ташкилотлари, хусусан, маҳалла фуқаролар йиғинларининг мавқеи, фаолият кўлами тобора кенгайиб бормоқда.

Айни пайтда улар томонидан ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнида долзарб масалалар ҳал этилиб, турли ҳуқуқбузарликларга барҳам берилаётгани ҳамда аҳоли бандлиги таъминланаётгани таҳсинга сазовор.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш таклиф этилганди.

Мазкур қонун лойиҳасида ижтимоий шерикликни амалга ошириш шакллари ва механизми тартибга солиниши назарда тутилган. Қонуннинг қабул қилиниши билан фуқаролар йиғинлари томонидан ижтимоий шериклик муносабатларининг бошқа шакллари ҳам қўлланила бошлайди.

Энг муҳими, фуқаролар йиғинлари ва давлат органлари ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатлари доимий асосда йўлга қўйилади.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Яккасарой тумани бўлинмаси мутасаддилари, тумандаги 18 та фуқаролар йиғини ҳамда ҳамкор ташкилотлар билан бирга ижтимоий шериклик асосида олиб бораётган ишлари жамият ва шахс манфаатларига қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бундай ҳамкорлик натижасида кўплаб муҳим масалалар ўз ечимини топаётир.

> [2]

ФОНД КЎМАГИДА

КЎРКАМЛАШАЁТГАН МАҲАЛЛА ГУЗАРЛАРИ

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Юртимизда кучли фуқаролик жамияти шаклланиб бораётган бир пайтда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Чунки бугунги кунда мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида жойлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораяпти.

Фуқаролар йиғинлари ўз ваколатлари доирасида кам таъминланган, эҳтиёжманд фуқароларга кўмакдош, оилавий бизнесни ривожлантириш маркази ҳамда давлат бошқарув органлари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатган идора сифатида фаолият юритишини таъминлаш учун, аввало, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш зарур.

> [3]

УМУМИЙ ЎРТА ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИНГ МАЖБУРИЙЛИГИ — БАРКАМОЛ ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

Юртимизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган тараққиёт йўлига назар ташласак, республикамиз Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида миллий таълим тизимини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, ёшларнинг ҳар томонлама етук, соғлом ва баркамол бўлиб улғайиши учун барча шарт-шароитни яратишга йўналтирилган улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганлиги яққол намоён бўлади.

Мустақиллик эълон қилинган дастлабки даврдан Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хусусан, шахс ҳуқуқининг ажралмас таркибий қисми саналган болалар ҳуқуқини таъминлаш давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Тарихан қисқа даврда мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш соҳасида улкан муваффақиятларга эришилмоқда ва бу дунё ҳамжамияти томонидан муносиб баҳоланмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилмайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизида, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассамдир».

Ўз-ўзидан аёнки, эски тузум даврида узоқ йиллар давомида вужудга келган эски таълим тизимини тубдан қайта қурмасдан ва ислоҳ этмасдан туриб, бу мақсадга эришиб бўлмасди. Айнан шундай эзгу мақсадни рўёбга чиқариш учун давлатимизда ёшларимизнинг истиқболини таъминлайдиган барча ташкилий-ҳуқуқий чоралар амалга оширилди, муҳим қонунлар қабул қилинди, давлат дастурлари ҳаётга татбиқ этилди.

> [3]

АНЖУМАН

ФАОЛИЯТНИ КУЧАЙТИРИШ ЗАРУР

Бухорода Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталарининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар, вилоятдаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мутасаддилари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» ҳамда "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг вилоятдаги ижросини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш якунлари муҳокама этилди. Ушбу масала юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов ва бошқаларнинг маърузалари тингланди.

Вилоятда қонунлар ижросини таъминлаш, жумладан, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ахборот олиш ҳуқуқини кафолатлаш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар кимга ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ахборот билан танишиш имкониятини яратиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Аҳоли ҳамда оммавий ахборот воситаларини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти, вилоятда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотлар тўғрисида хабардор қилиш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг 68 тасида ахборот хизматлари ташкил этилган.

Интернет тармоғида давлат идораларининг веб-сайтларини ташкил этиш ҳамда уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу, ўз навбатида, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисидаги ахборотлар билан республикамиз аҳолиси ва хорижий давлатларни мунтазам хабардор қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Вилоятда фуқароларни қабул қилиш, ариза ва шикоятларни рўйхатга олиш ва уларнинг назорати билан боғлиқ масалаларни замонавий ахборот технологиялари орқали корпоратив бошқариш тизими йўлга қўйилган бўлиб, бу мурожаатлар билан ишлаш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Анжуманда юқорида қайд этилган қонунлар ижросини таъминлашда айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилгани, бу борада мавжуд имкониятлардан етарлича фойдаланилмаётгани таъкидланди. Жумладан, давлат органларининг ахборот хизматлари ва медиатузилмаларини фаоллаштириш, ахборот макони иштирокчилари фаолияти самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг мурожаатларига нисбатан масъулиятни кучайтириш, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш, давлат идоралари фаолиятига нисбатан ижтимоий ва жамоатчилик фикрини мунтазам мониторинг қилиб бориш, веб-саҳифалар ишини янада такомиллаштириш лозимлиги қайд этилди.

Тадбирда давлат органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб боришнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш юзасидан «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўйича депутатлар, ҳуқуқшунос-экспертларнинг таклиф ва тавсиялари тингланди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Тадбирда Бухоро вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи М.Эсонов сўзга чиқди.

Э.ЁДГОРОВ,
ЎзА мухбири.

ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Юртимиз маҳаллалари ҳудудида ишлаб чиқариш корхоналарининг ташкил этилиши аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш имконини бермоқда.

Бешариқ туманидаги «Бешариктекстил» очиқ акциядорлик жамияти Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси ташкил этилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Хорижий давлатлардан келтирилган замонавий ишлаб чиқариш ускуналари маҳсулот сифатини тубдан яхшилади. Айни кунда корхонада маҳаллий хомашё ҳисобига 700 турдан ортиқ трикотаж маҳсулотлари тайёрланмоқда. Бу ерда меҳнат қилаётган 850 нафардан ортиқ ишчи-хизматчининг асосий қисми ёшлардан иборат. Улар учун барча шарт-шароитлар яратилган: бепул тушлик ва транспортдан фойдаланишади.

Муҳсинжон Қосимов Янги Марғилон шаҳарчасидаги банкротга учраган пиллачилик корхонасини тендер асосида сотиб олиб, ипак ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Мажмуа замон талабларига тўлиқ мослаштирилди. Хитой ва Ҳиндистондан ипак чувиш, газлама тўқиш ускуналари келтирилди. Натижада «Янги Марғилон» маҳалла фуқаролар йиғини ва қўшни маҳаллалар аҳли учун 100 та иш ўрни яратилди. Замонавий технологиялар жорий қилгани боис корхона ягона солиқ тўлашда 17 миллион сўмлик имтиёзга эга бўлди.

Ўтган йили корхонанинг экспорт ҳажми 395 миллион сўмни ташкил этди. «Нурли тонг силк» номи билан ички ва ташқи бозорда ўз нуфузига эга ушбу ишлаб чиқариш объектида Миср ва ҳиндистонлик ҳамкорлар билан 160 минг АҚШ долларлик маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома имзоланди.

— Вилоятимизда 2013-2015 йилларда саноат салоҳиятини ошириш дастури ишлаб чиқилган, — дейди Фарғона вилоят иқтисодиёт бошқармаси бошлиғи Ғайратжон Турғунов. — Дастур доирасида вилоят шаҳар ва туманларида 473 та истиқболли лойиҳа амалга оширилиши ҳисобига 10 минг 376 та янги иш ўрни ташкил этилади. Жорий йилда ана шундай лойиҳанинг 442 таси ишга тушиши кўзда тутилган. Ҳозиргача Қува туманидаги «Қоракум» маҳалла фуқаролар йиғинида қурилиш моллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Қуббо Принт Назиржон» МЧЖ, «Қўшкечик» маҳалла фуқаролар йиғинида эса нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Боистон тараққиёти ва тикланиш» хусусий корхонаси, Данғара туманида йилига 25 минг дона пойабзал ишлаб чиқарадиган «Bur-sal shoes» МЧЖ ўз фаолиятини бошлади. Натижада 20 дан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Энг муҳими, аҳоли зич жойлашган ҳудудларда ташкил этилаётган мазкур ишлаб чиқариш корхоналари кишиларни кафолатли иш ўринларига эга бўлишини таъминламоқда. Амалиётга жорий этилаётган бундай истиқболли лойиҳалар, аввало, кишилар манфаатини таъминлашга, уларнинг бахт-саодати, турмуш ободлигига хизмат қилади.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»

СИЗДА ҚАНДАЙ ТАЖРИБА БОР?

Ният эзгу бўлса, мақсад ижобат бўлар

«Наҳотки...»

Мени «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг республика босқичи ғолибаси сифатида эълон қилишганида тилимга келган сўз фақат шу бўлди. Чунки бу беллашувда ютиб чиқишдан кўра нуфузли ҳакамлар, йиғилганлар, маҳалладошларим олдида танлов шартларидаги саволларга мазмунли ва аниқ жавоб беришни, ёруғ юз билан қайтишни истагандим. Камтарона изланишларим, ҳаракатларим, ўқиганларим ўз самарасини берганидан қувончим чексиз.

Шеробод туманидаги «Ёшлик» маҳалла фуқаролар йиғинида қарийб 10 йилдан буён диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи сифатида ишлайман. Фаолиятим давомида маҳалладошларимнинг дарди дардимга, қувончи қувончимга айланди. Тўрт минг нафарга яқин аҳолининг тақдирига масъуллик ҳисси кишини ҳушёр ва ҳозиржавоб этиб тарбиялар экан.

> [4]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИДИР

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Бундай ҳуқуқлар Бош Қомусимизнинг 32-, 105- ва 117-моддаларида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, Асосий Қонунимизнинг 105-моддасида: «Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди», дейилган.

Янги таҳрирдаги қонуннинг мақсадини таъминлашга фуқароларга сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини амалга оширишлари учун қулай шароитлар яратиш орқали эришилади.

Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш деганда, аввало, сайлов жараёнининг барча иштирокчиларини ўзаро муносабатлари тушунилади. Мисол учун, иштирокчилар фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлар, раис ва унинг маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар, фуқаролар вакиллари кўзда тутилади.

Сайловларни ташкил этиш деганда, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш бўйича фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллар йиғилиши)ни ўтказишдан аввалги барча техник (хоналар, бюллетенлар, номзодлар рўйхатларини тайёрлаш) ва процедурлик (комиссия, ишчи гуруҳларни шакллантириш, фуқаролар вакилларини сайлаш, номзодларни кўрсатиш) характеридаги тайёргарлик тадбирлари назарда тутилади.

Сайловларни ўтказиш деганда эса, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларини бевосита сайлаш бўйича ўтказиладиган фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллар йиғилиши)нинг иш жараёни тушунилади.

Мазкур моддада сайловлар шаҳарча, қишлоқ, овул, шунингдек, шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги, овуллардаги маҳалла фуқаролар йиғинига ўтказилиши кўзда тутилган.

Ҳудудий жиҳатдан фуқаролар йиғинлари икки турга, яъни бир поғонали ва икки поғоналига бўлинади.

Бир поғонали деганда, ҳудудида маҳалла фуқаролар йиғинлари бўлмаган шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳар фуқаролар йиғинлари тушунилади.

Икки поғонали тур бу — ҳудудида маҳалла фуқаролар йиғинлари (қуйи поғона) мавжуд шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғинлари (юқори поғона) тушунилади.

Янги таҳрирдаги «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунда икки поғонали фуқаролар йиғинларига сайловларни ўтказишга бир неча ҳолатлар белгиланган. Жумладан, комиссиялар ҳовлилар, уйлар, кўчалардан ҳамда шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги маҳаллалардан фуқароларнинг вакиллиги нормасини белгилайди (13-модда). Шунингдек, ишчи гуруҳи — ҳовлилар, уйлар, кўчалар ҳамда шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги маҳаллалар аҳолисининг фуқаролар вакиллари сайлови бўйича умумий йиғилишларини ташкил этади ва ўтказади. Ҳовлилар, уйлар, кўчалар ҳамда шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги маҳаллалар аҳолиси умумий йиғилишининг иштирокчиларини рўйхатга олади (15-модда).

Фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчиларнинг миқдор таркиби ҳовлилар, уйлар, кўчалардан ҳамда шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги маҳаллалардан фуқароларнинг вакиллиги инобатга олинган ҳолда белгиланади (18-модда).

Таркибида маҳаллалар мавжуд бўлган шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар вакилларининг йиғилишига маҳаллалардан фуқароларнинг вакиллари юборилади (20-модда).

Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови фуқаролар вакилларининг йиғилишларида ўтказилган тақдирда, агар йиғилишда шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар маҳаллаларидан фуқаролар вакилларининг учдан икки қисмидан ками иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган, деб топилади.

Бошқа барча ҳолатларда сайловлар фуқаролар йиғининнинг туридан қатъи назар, бир хил тарзда ўтказилади.

Хуллас, янги таҳрирдаги «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун ва унинг мақсади ҳамда унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти барпо этишда маҳалланинг демократик тамойиллар асосида янада равнақ топишига хизмат қилади.

Хайрулло РЎЗМЕТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ҚАРОР ВА ИЖРО

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТДА АҲОЛИ ВА ҲУДУД МУҲОФАЗАСИ

Жорий йилда мамлакатимиз ҳудудларида рўй берган ер силкинишлари рихтер шкаласининг юқори кўрсаткичлари билан қайд этилиб, аҳолини саросимага солгани сир эмас. Бу эса аҳолининг табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларда муносиб ҳаракатланиши борасидаги кўникма ва малакасини мунтазам ошириб бориш лозимлигини кўрсатди.

Зилзила — ер шарининг сейсмик фаол қисмида вужудга келувчи, кишида қўрқув уйготувчи табиат ҳодисаларидан бири. Агар силкиниш кучайса бино ва иншоотлар вайрон бўлиши, инсон ҳаёти хавф остида қолиши мумкин. Мамлакатимиз сейсмик фаол ҳудудда жойлашган. Айрим туманларда ер силкинишининг кучи 9 баллгача етиши аниқланган. Шу боис бундай фавқулодда вазиятларда қандай йўл тутиш, қай тартибда ҳаракатланиш, нималарга эътибор қаратиш муҳимлиги тўғрисида аҳолини хабардор этиш долзарб вазифалардан.

Пойтахтимизда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан ўтказилган матбуот анжумани Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган «Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш комплекс Дастури»нинг мақсади, унинг ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар, эришилган ютуқлар ва истиқболдаги режаларга бағишланди.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тегишли идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида ёшларнинг фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланиш борасидаги тайёргарлигини оширмоқда. Бу борада «Ҳаёт хавфсизлиги», «Соғлиқ ва ҳаёт хавфсизлиги асослари», «Ҳаёт хавфсизлиги асослари», «Сейсмология ва сейсмометрия» мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш дастури ишлаб чиқилди.

Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, ўқувчи ва талабалар учун зилзила ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятлар юз берганида ҳаракатланиш бўйича «Зилзила», «Йўл қоидаси — умр фойдаси», «Қор кўчкиси», «Довул», «Тўфон ва қуюн», «Тошқин», «Сел», «Кўчки» мавзуларида плакатлар тўплами чоп этилди.

Халқ таълими вазирлигининг интернет веб-сайтида «Фавқулодда вазиятларда қандай ҳаракат қилмоқ керак?» рукни очилди. Унда ўқувчилар ҳамда аҳоли учун зарур эслатмалар жойлаштирилди. Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг веб-сайти замон талабларига мослаштирилди. Айни пайтда янги ташкил этилган тармоқ ва рукнлар мамлакатимиз аҳолиси ва ҳудудларини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга оид маълумот ҳамда ахборотлар билан бойитилмоқда.

«Камолот» ЁИҲ билан ҳамкорликда ўқув муассасаларида «Ёш қутқарувчилар» клубларини ташкил этиш бўйича иш олиб борилмоқда. Оромгоҳларда болаларга фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланиш бўйича тушунчалар берилаётир.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Сейсмология институти томонидан «Зилзила. Ҳаёт хавфсизлиги» деб номланган икки қисмдан иборат ҳужжатли фильм яратилиб, бир неча маротаба марказий телеканаллар орқали эфирга узатилди.

Ҳар йили вазирлик томонидан 35 мингдан зиёд аҳоли техноген ва табиий тусдаги фавқулодда вазиятлар юзасидан тайёргарлиқдан ўтказилади. Ўртача 80-90 минг нафар киши билан тушунтириш ишлари, суҳбат ва ўқув машғулотлари олиб борилмоқда.

— Фавқулодда вазиятларда аҳолининг вазифаларини тушунтириш борасида маҳаллаларда муайян чора-тадбирлар асосида қатор ишлар олиб борилаётир, — деди тадбирда сўзга чиққан ФВВнинг Аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бошқармаси бўлим бошлиғи Ҳ.Бобонов. — Обод турмуш йилининг I ярим йили давомида Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш ҳудудий марказлари томонидан фуқаролар йиғинлари раислари, котиб ва посбонлар билан 14 соатлик дастур асосида 3614 нафар маҳалла тизими ходимлари фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланиш юзасидан машғулотларда қатнашди. Зилзила вақтида аҳолини тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш мақсадида жойларда 500 дан ортиқ суҳбатлар ўтказилиб, уларда 28192 нафардан зиёд аҳоли иштироки таъминланди.

Ҳудудларда бир-биридан кўркам турар-жойлар барпо этилаётгани иқтисодий салоҳиятимизнинг юксалаётганидан, аҳоли турмуш фаровонлигининг ортаётганидан дарак. Катта маблағ ва меҳнат эвазига бунёд этилаётган уйларнинг зилзилабардошлигини ҳамда аҳоли турар-жойларининг мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида вазирлик бошқармалари маҳаллалар билан ҳамкорликда қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, Зилзилага чидамли якка тартибдаги уйлар қуриш қоидаларини ишлаб чиқиш борасида БМТнинг тараққиёт дастури билан ҳамкорликда «Уйингиз зилзилага бардош бера оладими?», «Зилзилабардош уй қандай қурилади?» деб номланган ўзбек ва рус тилларида қўлланмалар яратилиб, 14560 нусхаси ўқув машғулотлар, семинар, учрашув ва суҳбатлар давомида аҳолига тарқатилди.

Фавқулодда ҳолатда қўрқувдан ўзини йўқотиб қўйиш инсонга доим зиён етказади. Ваҳимага берилмасдан эҳтиёткор ҳаракатларни бажариш, бино ва иншоотларни қай йўсинда тарк этишни билиб қўйиш эса ўта муҳим. ФВВ томонидан «Зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда аҳолини тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш» мавзусида 66 та махсустактик ўқув машқи ўтказилиб, уларга 19827 нафардан зиёд ишчи-ходим жалб этилди. Шунингдек, 24 та қўмондонлик-штаб ўқув машқларида 38656 нафарга яқин раҳбар ходим ва аҳоли қатламлари табиий ҳамда техноген вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга ўргатилди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитаси томонидан сейсмик фаолликнинг 8-9 балли зонасида жойлашган йирик аҳоли пункти ҳудудлари электрон харитаси йирик миқёсда тайёрланган. Шунингдек, ЎзФА Сейсмология институти олимлари ва мутахассислари томонидан Фарғона водийсидаги 3 та марказий шаҳар(Андижон, Наманган ва Фарғона)ни сейсмик микрорайонлаштириш юзасидан жойларда ишчи гуруҳлари тузилди. Улар томонидан Фонд материаллари тўлиқ ўрганиб чиқилиб, ҳудуднинг инженер-геологик, сейсмологик, сейсмотектоник ҳолати таҳлил қилинмоқда.

Аҳоли орасида зилзилага чидамли якка тартибдаги уй қуриш қоидалари тўғрисида «Зилзилага чидамли уй қуриш» қўлланмасини тайёрлаб, нашр этиш устида иш олиб борилмоқда. Кенг оммага мўлжалланган мазкур қўлланма «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда ЎзФА Сейсмология институти мутахассисларининг фикрлари, таклиф ва тавсиялари асосида яратилаётир.

Соҳа мутахассислари анжуманда бебаҳо бойлигимиз — тарихий обидаларни зилзиладан асраш, уларни келгуси авлодларга бус-бутун етказишни таъминлаш йўлида олиб бораётган тадқиқотлари хусусида ҳам маълумот беришди.

Юлдуз ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

АХБОРОТ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

ЖАМИЯТ РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мустақиллик йилларида миллий матбуотимиз замонавий талаблар асосида тубдан янгиланиб, ривожланиб бораётир. Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари сони 1991 йилга нисбатан 3,5 баробар ортиб, 1326 тага етди.

Бугун босма нашрларнинг қарийб 53 фоизи, теле ва радиоканалларнинг 64 фоиздан зиёди, веб-сайтларнинг эса 98 фоиздан ортиғи нодавлат оммавий ахборот воситаларидир.

Мамлакатимизда яшайдиган миллат ва элатларнинг тўққиз тилида босма нашрлар фаолият юритмоқда, кўп тилли веб-сайтлар сони ҳам ошиб бормоқда. Телекоммуникациялар тизими сунъий йўлдош орқали дунёнинг 180 мамлакатига 28 йўналиш бўйича тўғридан-тўғри узатиладиган халқаро каналларга эга.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги, «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги каби қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилишда матбуот вакиллари фаол иштирок этмоқда. Бу оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини янада мустаҳкамлаш, жамоатчилик назоратини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур қонун лойиҳалари ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида ОАВнинг иқтисодий эркинликларини таъминлаш ҳамда ахборот соҳасидаги соф рақобатни мустаҳкамлаш, оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, тегишли имтиёзлар бериш масалаларини тартибга солиш, аҳолининг ахборот олишга бўлган эҳтиёжини халқаро андозаларга мос ҳолда янада тўлароқ қондириш каби масалаларни ўз ичига қамраб олган.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрдаги «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарорига биноан оммавий ахборот воситалари, нашриёт, полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларга қатор солиқ ва божхона имтиёзлари берилди. Бу нашриёт-матбаа ишларини модернизациялашни давом эттириш, ходимларга иш ва қалам ҳақи тўлаш ишларини, кадрлар салоҳияти ва малакасини юксалтиришда муҳим омил бўлаётир.

Ўзбекистонда демократик тамойилларига асосланган фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида фуқароларнинг, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ахборотга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш билан бирга уларнинг онги, дунёқараши ва сиёсий маданиятини юксалтириш, фуқаролик позициясини мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти кун сайин ошиб бормоқда.

Шу билан бирга глобаллашув шароити жамиятимизнинг фаол вакиллари ҳисобланган журналистлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Бундай шароитда ОАВ вакиллари ёшлар дунёқарашини миллий ғоя ва қадриятлар асосида шакллантириш ҳамда «оммавий маданият» ниқоби остида аҳолининг, айниқса, ёшларимизнинг қалби ва онги-шуурини эгаллашга қаратилган турли ошкора ва пинҳона ахборот хуружларига қарши курашда фаоллик кўрсатишлари лозим.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтказилган «Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги вазифалар» мавзуидаги матбуот анжуманида юқоридаги фикрлар алоҳида таъкидланди. Шунингдек, соҳага оид қонунчиликка киритилаётган ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти хусусида атрофлича маълумотлар берилди.

Элбек ЖУМАНОВ
«Mahalla»

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК

МУШТАРАК ФАОЛИЯТ ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИГА УЙҒУНЛАШГАН

< [1]

Кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг муҳим шарти инсон ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза этишдан иборатдир. Бу ғояни ўз фаолияти билан уйғунлаштирган бўлинмамиз мутасаддилари аҳоли бандлигини таъминлаш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига ҳисса қўшиш каби эзгу мақсад йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда.

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туман маҳаллаларида истиқомат қилувчи 1037 нафар иш билан банд бўлмаган фуқаро аниқланиб, уларнинг рўйхати шакллантирилди, 1003 нафари ижтимоий шериклик асосида ишга жойлаштирилди.

Туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ билан биргаликда жорий йилнинг 6 ойи давомида 8 марта меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Уларга тўрт минг нафарга яқин аҳоли жалб этилди. Натижада икки ярим минг нафар киши фойдали меҳнатга йўналтирилди.

Туман маҳаллаларида яшовчи оилавий тадбиркорлик, касаначилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланиш истагини билдирган 13 нафар фуқарога банклардан имтиёзли кредит олишида кўмаклашдик. Уларнинг барчаси ўз бизнесларини йўлга қўйиши билан яна 34 та янги иш ўрни ташкил этилади.

Ижтимоий шерикликнинг муҳим хусусиятларидан бири бу — тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларга риоя қилиш ҳақидаги ўзаро келишув эмас, балки улар ўртасидаги юксак ахлоқий қоидалар мажмуидир.

Обод турмуш йилининг ўтган даври мобайнида аҳоли ўртасида «Одам савдоси — олам ғавғоси», «Одам савдоси — трансмиллий жиноят» каби мавзуларда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда 38 марта кенг қамровли профилактик, тушунтириш-тарғибот тадбирлари амалга оширилди. Уларда 920 нафар аҳоли иштирок этди. Натижада туманимизда чет элга иш излаб кетадиганлар сони кескин камайди.

Бўлинмамиз ҳамда ҳамкор ташкилотлар, хусусан, туман ички ишлар бўлими, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, йиғин ҳузуридаги доимий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар аъзолари, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори ҳамда профилактика инспекторлари ҳамкорлигида ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Маънавий-маърифий тадбирлар режасига асосан, туман Хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият таргибот маркази, имом-хатиблар билан ҳамкорликда жорий йилнинг 6 ойи давомида 76 марта маънавий-маърифий тадбирлар, учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этдик. Хусусан, «Юксак маънавият — енгилмас куч», «Маънавиятга таҳдид — келажакка таҳдид», «Диний экстремизм ва терроризм — маънавият кушандаси» каби мавзуларда уюштирилган тадбирларга 5120 нафарга яқин аҳоли, шу жумладан, 3 ярим минг нафардан зиёд ёшлар иштирок этди.

Июнь ойида туманимиздаги барча маҳаллаларда «Оқаётган сув қадри» фильми намойиш этилди. Ушбу тадбирларда 730 нафарга яқин аҳоли иштирок этди.

Жамоат ташкилотлари томонидан маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардорлари билан ҳамкорликда оилаларни мустаҳкамлаш ва турмуш ободлигини таъминлаш, ҳудуддаги ёшлар ва аёллар ўртасида қонунбузарликларнинг олдини олишга қаратилган ишларни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратилишини таъминлайдиган туман миқёсида 1 та маҳалла маркази қуриш мақсадида Ўрикзор кўчаси, 138-уйда жойлашган «Ўрикзор» маҳалла фуқаролар йиғини гузарини қайта қуриш режалаштирилди. Бугунги кунда ижтимоий шериклик асосида қарор лойиҳаси ва гузарнинг чизмалари тайёрланмоқда.

Мухтасар айтганда, бўлинмамиз бандликни таъминлаш, эҳтиёжманд оилаларга кўмак бериш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш каби хайрли ишларга камарбаста бўлмоқда. Зотан, ижтимоий шериклик асосидаги бундай саъй-ҳаракатлар пировардида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечиришларига ҳисса қўшишдек эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Аҳрор ҒУЛОМОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Яккасарой тумани бўлинмаси раиси.

УМУМИЙ ЎРТА ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИНГ МАЖБУРИЙЛИГИ — БАРКАМОЛ ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

< [1]

Жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг қонуний асосини ташкил қилувчи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эгалиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши ва мактаб ишлари давлат назоратида бўлиши белгилаб қўйилди.

Мамлакатимизнинг таълим тизимини изчиллик билан ислоҳ қилиш ва бу соҳадаги давлат сиёсатини мустаҳкамлаш борасида 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги ва «Таълим тўғрисида»ги Қонунлари тарихий қадам бўлди. Мазкур Қонуннинг 3-моддасида таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий принциплари, хусусан, таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги, шунингдек, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг узоқ ва давомли мақсадларни кўзда тутадиган концептуал ғоялари асосида ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросини таъминлаш жараёнида, 9 йиллик умумтаълим мактаб босқичини ва 3 йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълим босқичини ўз ичига олган, мамлакатимизнинг ривожланиб бораётган ижтимоий-иқтисодий инфратузилмасини юқори малакали кадрлар билан таъминлашнинг узлуксиз таълим тизими яратилди. Шу асосда юртимизда 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди.

Таъкидлаш керакки, таълим тизими ислоҳ қилиниши билан бирга, таълим муассасаларининг моддий-техника базаси ҳам ҳар томонлама мустаҳкамланмоқда. Амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар туфайли республикада 1549 та замонавий таълим муассасалари, шундан 1406 та касб-ҳунар коллежи ва 143 та академик лицей барпо этилди.

Мазкур таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлаш учун барча зарур шароитлар яратилган.

Жумладан, жиҳозланган компьютер синфлари, кутубхоналар, спорт заллари, секциялар, зарур бўлган инвентарь билан таъминланган ётоқхоналар, ошхоналар ўқувчилар ихтиёрига топширилган. Яратилган бундай шароитларнинг барчаси ўқувчиларнинг танланган йўналиш бўйича бир ёки бир нечта замонавий мутахассислик олишга қаратилган касбга оид чуқур билим олишларига замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, айнан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг кўпчилик қисми республикамизда фаолият кўрсатаётган замонавий илғор технологияларга асосланган корхоналарда меҳнат қилиб, жаҳон бозорида рақобатбардош ҳисобланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнининг фаол иштирокчиларига айландилар. Масалан, «GM-Uzbekistan» ёпиқ акциядорлик жамиятида ишлаётган 7956 нафар ишчи-хизматчининг 2877 нафарини ёки 36,1 фоизини касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ташкил қилади. Ёки «Ўзбекенгилсаноат» компанияси тизимидаги корхоналарда 15 минг нафардан ортиқ, «Ўзбекнефтгаз» компанияси тизимидаги корхоналарда 2 минг нафардан ортиқ касб-ҳунар коллежлари битирувчилари хизмат қилмоқдалар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шунингдек, умумтаълим тизимидаги ислоҳотлар, таълимнинг замонавий илғор услубларининг кенг жорий қилиниши, таълим-тарбияга бўлган эътиборнинг тубдан яхшиланиши ўзининг самарасини бермоқда. Ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириш даражаси ва дунёқараши кенгайиб, улар халқаро фан олимпиадалари, интеллектуал беллашувлар, кўрик-танловларда қўлга киритаётган ютуқлари билан Ўзбекистон довруғини дунёга таратмоқдалар.

Охирги икки йил давомида 33 нафар ўтил-қизимиз жаҳон миқёсида ўтказилган фан олимпиадалари ва мусобақаларда ўзининг чуқур билими, интеллектуал салоҳияти, теран фикрлари ва ўткир тафаккури билан ғолиблар шоҳсупасидан ўрин эгаллагани мамлакат тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсон қалбига чуқур ғурур ва ифтихор туйғусини бахш этади.

Ёшларни соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялаш, оммавий спортни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси таъсис этилди. Юртимизнинг барча ҳудудларида, ҳатто олис қишлоқларимизда ҳам спорт анжомлари билан жиҳозланган замонавий спорт мажмуалари, муҳташам спорт саройлари, стадионлар, жисмоний тарбияга ихтисослашган мактаблар барпо этилди. Ўқувчи ва талабаларнинг уч босқичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада республика мусобақалари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Энг муҳими, миқёси ва кўламига кўра бениҳоя улкан бўлган бу ишларнинг барчаси ўзининг салмоқли натижаларини бермоқда. Кейинги икки йилда ёшлар ўртасида ўтказилган Жаҳон ва Осиё чемпионатларида ҳамда бошқа йирик халқаро беллашувларда 490 нафар ёш спортчиларимиз совринли ўринларни эгаллаган бўлса, уларнинг 132 нафари барча рақибларини доғда қолдириб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилдилар ва Ўзбекистон мадҳиясини дунё майдонларида баланд янгратиш бахтига муяссар бўлдилар.

Ўзлуксиз таълим тизимининг яратилиши ва таълим сифатининг тубдан яхшиланиши вояга етмаганларнинг билим олишга ва касб-ҳунар ўрганишга бўлган қизиқишларини янада оширди, бу эса, ўз навбатида, уларнинг бандлигини таъминлаб, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликни кескин қисқартиришга эришишга имкон берди. Хусусан, 2012 йилда 2000 йилга нисбатан вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик 30,5 фоизга камайган.

Болалар, жумладан, ўқувчилар орасида жиноятчиликнинг камайиши қувонарли ҳол, албатта. Шу билан бирга, вояга етмаганларга нисбатан етарли назорат бўлмагани оқибатида уларнинг ўқув муассасаларига бормаслиги ҳолатлари мавжудлиги ташвишга солиши табиий. Жумладан, 2012 — 2013 ўқув йилида 5 минг нафардан ортиқ ўқувчилар бирон-бир узрли сабабсиз сурункали равишда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга ўқишга келмаган. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ва прокуратура органлари томонидан кўрилган ҳуқуқий чоралар натижасида улардан аксарият қисми таълим муассасаларига қайтарилди.

Ўтказилган назорат тадбирларида умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари масъул ходимлари томонидан машғулотларга сабабсиз келмаётган ёки мунтазам равишда қатнашмаётган ўқувчиларни аниқлаш, ҳисобини юритиш ва таълимга жалб қилиш ишлари тўғри йўлга қўйилмаганлиги аниқланди.

Масалан, Мирзо Улуғбек туманидаги 27-сонли умумтаълим мактаби директори Е.Заирова ва директор ўринбосари М.Ражаповалар ўзаро жиноий тил бириктириб, 2009 йилда Бельгия давлатига кетган 5-синф ўқувчиси Д.Боймаматовани тўрт йил давомида дарсларга қатнашганлиги ва билими баҳоланганлиги ҳақида журналга ёзувлар киритиб, синфдан-синфга ўтказиб келганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Давлат томонидан болаларимизнинг келажагини ўйлаб, қанчадан-қанча сарф-харажат эвазига 12 йиллик бепул ўқишни ташкил қилиб, замонавий технологияларга асосланган, жаҳон илғор таълим стандартларига мос билим олиш учун шароитлар яратиб берилса-ю, бола коллежга бормаса, қани бу ерда тартиб-интизом, қани масъулият?! Нима учун жойларда ҳокимликлар, ўзини ўзи бошқариш органлари, профилактика инспекторлари, жамоатчилик, қоларверса, бола тарбияси учун бевосита жавобгар бўлган ота-оналар ва бошқа масъул шахслар бепарволарча қўл қовуштириб ўтирибди? Бундай бепарволик жиноят эмасми?

Ваҳолонки, мамлакатимиз қонунчилигида 12 йиллик таълим умуммажбурий эканлиги белгилаб қўйилган бўлиб, қонуннинг мазкур талаби ижросини қатъий таъминлаш барчамизнинг бурчимиздир. Афсуски, баъзи ота-оналар ва мансабдорлар ўзларига юклатилган вазифаларига нисбатан бундай масъулиятсизлик учун жавобгарликнинг мавжудлигини унутиб қўйганлар. Бу соҳада прокурор назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, ўтган йилда ва жорий йилнинг 5 ойида ўқувчи ва талабаларнинг ўқув муассасаларига келиб-кетишини таъминлаш учун масъул бўлса-да, мансаб вазифаларини лозим даражада бажармаган 2 минг нафар таълим соҳаси ходимлари интизомий жавобгарликка тортилганлар.

Шу ҳолатларни инобатга олган ҳолда, умумтаълим мактабларининг 9-синфини битирувчиларини кейинги ўқиш босқичларига жалб этиш борасидаги қонунлар ижроси устидан назоратни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозир жорий йилда мактабни битираётган 530 мингдан ортиқ ўқувчиларни касб-ҳунар коллежлари ва лицейларга жойлашишини тўлиқ қамраб олиш мақсадида жойлардаги прокурорларга маҳаллий ҳокимликлар, таълим муассасалари ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар хусусида топшириқ юборилди. Ушбу вазифанинг ижросини таъминлашнинг барча чоралари кўрилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўқувчи ва талабаларнинг машғулотларга қатнашиш давоматини таъминлаш фақатгина ўқув муассасаси раҳбарлари ва ўқитувчилари зиммасидаги вазифа эмас, балки бу жараён кўп жиҳатдан ота-оналарга, уларнинг фарзанди таълим-тарбияси билан нечоғли шуғулланишларига бевосита боғлиқдир. Ваҳоланки, бола тарбияси ҳам қонуний асосларда, ҳам маънавий-ахлоқий жиҳатдан ота-оналарнинг фуқаролик ва инсоний бурчидир.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 47-моддасида ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар фарзандларининг тарбияси ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларини бажармаганликлари учун маъмурий жавобгарлик белгиланган бўлиб, айнан шу асослар билан 2012 йилда ва жорий йилнинг ўтган даврида 3,5 минг нафар ота-оналар жавобгарликка тортилдилар.

Бундан ташқари, 250 нафар ота-оналарнинг муомала лаёқати чекланган ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган.

Бу борада бир мисол келтириш ўринлидир. Чирчиқ шаҳрида яшовчи фуқаро Е.Шарипова спиртли ичимлик истеъмол қилиб, тўққиз яшар қизи Л.Шариповани мунтазам равишда уриб, унинг мактабга ва кўчага чиқишига тўсқинлик қилган ва узоқ муддат давомида хонага қамаб, устидан қулфлаб қўйган. Оқибатда бундай шафқатсизликка чидамасдан, қиз 3-қаватда жойлашган хонадоннинг балконидан ерга сакраб, оғир тан жароҳатлари олган. Врачларнинг ёрдами билан қизнинг ҳаёти сақлаб қолинган. Онасига нисбатан эса жиноят иши қўзғатилиб, жавобгарликка тортилди.

Ўқувчиларнинг машғулотлардаги давомати назоратсиз қолиши, уларнинг узрсиз сабаблар билан дарсга қатнашмасликлари, ҳатто узоқ муддат давомида таълим муассасаларига умуман келмасликлари фарзандларимизнинг жиноят йўлига кириб кетишдек мудҳиш оқибатларга олиб келмоқда.

Масалан, Булоқбоши туманидаги иқтисодиёт ва енгил саноат касб-ҳунар коллежи талабаси Н.Тоштемиров умумтаълим мактаби ўқувчилари Ш.Қудратиллаев ва Ш.Исоқовлар билан жиноий тил бириктириб, савдо дўконидан 1,2 млн. сўмлик уяли телефон аппаратлари ва эҳтиёт қисмларини ўғирлаганлар.

Содир этилган жиноятлари учун ушбу гуруҳ аъзолари жиноий жавобгарликка тортилдилар, албатта. Лекин афсус билан таъкидлаш лозимки шундай номақбул гуруҳларга кириб қолиб, турли хил жиноятлар, шу жумладан, оғир жиноятларга қўл ураётган вояга етмаган болалар борлиги уларнинг таълим-тарбиясидаги нуқсонлардан далолат беради. Бу ҳақда ота-оналар, ўқитувчилар, синф раҳбарлари, таълим муассасаларининг мансабдор шахслари, қўйингки, барчамиз чуқур ўйлаб, тегишли хулоса чиқаришимиз ва бундай ҳолатларнинг олдини олиш чораларини кўришимиз керак.

Шу ўринда яна бир долзарб масалага алоҳида тўхталиш лозим. Касб-ҳунар коллежларини тамомлаган фарзандларимизнинг мутахассислиги бўйича иш билан таъминланиши уларнинг келажак ҳаётда ўз ўрнини эгаллашларида муҳим аҳамиятга эга. Шу боис касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, тегишли мутахассисликлар бўйича янги иш ўринлари ташкил қилинмоқда.

Аммо назорат тадбирларида аниқланишича, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмагани, бу жараёнда ҳисоботларга қўшиб ёзиш, тугатилган ёки фаолият юритмаётган корхоналар билан сохта шартномалар тузиш, битирувчилар ҳали ишга чиқиб улгурмасидан шартномаларни бекор қилиш каби ҳолатлар мавжуд. Бундай қонунбузишларга йўл қўйган мансабдор шахслардан 2300 нафардан ортиғи интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилдилар, 74 та ҳолат бўйича эса жиноят иши қўзғатилди.

Ёшларни узлуксиз мажбурий таълим билан қамраб олинишига салбий таъсир ўтказадиган муаммоли ҳолатлардан яна бири ўқувчи қизларни, шу жумладан, никоҳ ёшига тўлмаганларнинг эрга бериб юборилишидир. Олиб борилаётган тушунтириш ишларига қарамасдан, 2012 — 2013 ўқув йилида лицей ва коллежларда таълим олаётган 2114 нафар қизлар ота-оналари томонидан эрга бериб юборилган, оқибатда улардан 944 таси ўқув машғулотларига умуман қатнашмай қўйган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан никоҳга киришган шахсларнинг, шунингдек, бунга йўл қўйган ота-оналар, таълим, диний муассаса ходимларининг жавобгарлик масаласи ҳал қилинмоқда. Лекин кўрилган чоралар ўзининг етарли самарасини бермаётганлиги сабабли бундай салбий иллатга нисбатан қатъиятлилик ва талабчанликни кучайтиришимиз керак. Шу ўринда алоҳида айтиш керакки, никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик, яъни никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳга киришиш, уни эрга бериш ёки уйлантириш, шунингдек, никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш учун жавобгарликни белгиловчи нормалар Оила Кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексларига киритилди. Бу ўзгаришлар ҳам шу каби ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Қонунлар қабул қилиняпти. Лекин бу қонунлар ҳақида жойларда барча фуқароларимиз тўлиқ билмаслиги ҳам мумкин. Шу сабабли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳокимликлар ва тегишли жамоат ташкилотлари жойларда халқ орасида қонунларни, уларга киритилаётган қўшимча ва ўзгартишларни тарғиб қилиш, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида айнан шу мавзуда тадбирлар ўтказиш орқали тушунтириш ишларини доимий равишда олиб боришлари керак. Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятининг ошиши бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш имконини беради.

Ҳар томонлама интеллектуал ва жисмонан ривожланган юксак ақл-заковатли, баркамол авлодни тарбиялашдек устувор вазифанинг нақадар муҳим эканлигини ҳар биримиз чуқур тушунишимиз, барча саъй-ҳаракатларимизни бундай муҳим соҳадаги қонунчилик талабларини тўлиқ ижросини таъминлашга, шунингдек, мансаб суиистеъмолчилиги, порахўрлик, фирибгарлик ва бошқа жиноий фаолиятни истисно қиладиган соғлом муҳит яратишга йўналтиришимиз зарур.

Ёш авлод тарбиясига ҳар доимо энг долзарб ва устувор вазифа сифатида эътибор қаратиб келаётган муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг «Барчангиз яхши биласизки, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш биз-нинг миллий хусусиятимиздир. Бу муқаддас заминда яшаётган ҳар қайси инсон ўз фарзандининг бахту саодати, фазлу камолини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қилади, ўзини аямайди», деган фикрлари халқимизга хос юксак инсоний фазилатларнинг эътирофи бўлиши билан бирга, барчамизни шу борада янада фаол иш олиб боришга даъват этади.

Дарҳақиқат, халқимизга хос ана шу олий қадрият ҳар доим бизларни ёшлар таълим-тарбиясига ҳаёт-мамот масаласи сифатида эътибор қаратишга чорлаши шарт. Зеро, ёш авлоднинг жисмонан соғлом, ақлан етук ва маънан баркамол бўлиб вояга етиши учун барча давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари, оила-ю-рт келажагига бефарқ бўлмаган ҳар бир соғлом фикрли фуқаро масъулдир.

Истагимиз шуки, бу эзгу ниият ҳар бир юртдошимизнинг юксак инсоний ва фуқаролик бурчига айлансин.

Рашитжон ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори.

ФОНД КЎМАГИДА

КЎРКАМЛАШАЁТГАН МАҲАЛЛА ГУЗАРЛАРИ

ЎзА сурати.

< [1]

Ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари, шароит ва имкониятларидан келиб чиқиб, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, оилаларни мустаҳкамлаш ва ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш каби жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган юмушлар маҳалла фуқаролар йиғинлари иштирокида бажарилаётганини инобатга олсак, юқоридаги фикрлар нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканини англаш мумкин.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида Самарқанд вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими томонидан мавжуд 1242 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, шу жумладан, 14 та шаҳарча, 123 та қишлоқ ҳамда 1105 та маҳалла фуқаролар йиғининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

— Мустаҳкам оила йили ҳамда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоят бўйича 1029 та фуқаролар йиғини ўз хизмат биноларига эга бўлди, — дейди Фонднинг вилоят бўлими бошқаруви раиси Шавкат Жониқулов. — Ўтган йили Жомбой туманидаги «Тошкент» ва «Самарқанд», Самарқанд шаҳридаги «Шодлик», «Кавола» ва Беруний номидаги маҳалла фуқаролар йиғини бинолари тўлиқ таъмирланди. Вилоятдаги 40 та фуқаролар йиғини биноси бўлимимиз томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, вилоятдаги 130 та фуқаролар йиғинига 236,1 млн. сўмлик компьютер жамланмалари, 124 та фуқаролар йиғинига 93 млн. сўмлик мебель жиҳозлари олиб берилди. Жорий йилда ҳам бу борадаги ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Жумладан, Обод турмуш йилининг биринчи чорагида Каттақўрғон туманидаги «Каттаминг», Оқдарё туманидаги «Бошдархон», Иштихон туманидаги «Бешбола», Қўшработ туманидаги «Шовона» ҳамда Булунғур туманидаги «Янгиобод» ва «Зарафшон» маҳалла фуқаролар йиғинлари биносини таъмирлаш мақсадида бўлимимиз томонидан 33 миллион 580 минг сўм маблағ ажратилди.

Шунингдек, жорий йилда Оқдарё туманидаги «Пўлатдархон» маҳалла фуқаролар йиғинига 5,375 млн. сўмлик, Пастдарғом туманидаги «Камолот» маҳалла фуқаролар йиғинига эса 2,1 млн. сўмлик мебель жиҳозлари олиб берилди. Бундай хайрли ишлар вилоятдаги барча фуқаролар йиғинларида давом эттирилмоқда. Мисол учун, Даҳбед шаҳарчасидаги Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида уч минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла аҳлига сифатли хизмат кўрсатишда йиғин фаоллари учун барча шарт-шароитга эга замонавий маҳалла гузари қуриб берилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳудудда кўчалар, корхона-ташкилотлар ҳамда ҳар бир хонадон атрофини саранжом-саришта сақлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар сингари фуқаролар йиғининнинг замонавий бинога эга бўлиши маҳалла кўркига кўрк қўшди.

— Шаҳарча фуқаролар йиғини биносидан ажратилган иккита хонада фаолият юритишимизда қатор муаммоларга дуч келардик, — дейди Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Узоқов. — Янги бинода эса зарур ҳужжатлар ва кўргазмали воситалар ҳамда компьютер жамланмаси билан жиҳозланган хоналаримиз бор. Бу эса зиммамиздаги вазифаларни тўлиқ уддалашимизда кенг имконият туғдирди. Шу билан бирга, йиғинимиз биноси нафақат аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, балки одамларни бириктириб, уларни эзгу мақсад ва бунёдкорликка сафарбар этадиган гўзал масканга айланди.

Дарҳақиқат, маҳалла марказида раис, масъул котиб, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори ва ҳудуд профилактика инспектори учун алоҳида хоналар ажратилган. Шунингдек, шинамгина мажлислар зали ҳам мавжуд. Барча хоналар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими томонидан мебель жиҳозлари билан таъминланди.

Бино олдидаги кўркам хиёбон ва фаввора атрофи маҳалла аҳли учун дам олиш масканига айланган. Энг муҳими, марказ ҳудудидаги болалар майдончасида турли аттракционлар ва ён ҳовлида стол тенниси жиҳозлари ўрнатилган. Минифутбол майдонида эртадан кечгача миллионлар ўйинига қизиқувчи ёшлар иштирокида машғулотлар олиб борилмоқда.

ЎзА сурати.

Намунавий лойиҳа асосида бунёд этилган мазкур маҳалла маркази фуқаролар йиғинлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича вилоятда олиб борилаётган ишларнинг тизимли йўлга қўйилганидан далолатдир.

Фонднинг вилоят бўлими ҳамда бўлинмалари томонидан фуқаролар йиғинлари биноларини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш учун 720 миллион ҳамда компьютер жамланмаси ва мебель жиҳозлари харид қилиш учун 360 миллион сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Йил якунига қадар 700 миллион сўмдан зиёд маблағ эвазига яна иккита янги маҳалла маркази қуриб, фойдаланишга топширилади.

Мухтасар айтганда, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ва бўлинмалари томонидан маҳаллаларга қаратилаётган эътибор ва яратилаётган шарт-шароит соҳа ходимларини руҳлантириб, йиғинлар фаолиятини янада жонлантиришга хизмат қилади.

Толибжон НИЗОМОВ
«Mahalla»

СИЗДА ҚАНДАЙ ТАЖРИБА БОР?

НИЯТ ЭЗГУ БЎЛСА, МАҚСАД ИЖОБАТ БЎЛАР

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Танлов кундалик иш режаларимиз, орттирган тажрибаларимиз асосида ташкил этилган. Унда маҳалла тизимига доир ҳар бир қонун ва қонуности ҳужжатлари асосида юритилган иш ҳамда йиғин ҳаётидан ҳикоя қилувчи кўргазмали воситалар, шунингдек, янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар бўйича берилган саволларга аниқ ва асосли жавоб қайтарганим муваффақиятимга қанот бўлди, деб ўйлайман.

Бу мукофотни қўлга киритганимда «Ҳақиқий намунали маҳалла маслаҳатчиси қандай бўлиши керак?» деган фикр хаёлимга келди. Назаримда у энг аввало, маҳалла шаънини ўз шаъни каби юқори тутиши даркор. Ҳақиқий маънода бу номга муносиб бўлиш эса — катта масъулият. Шу маънода оилалар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, маънавий муҳитни яхшилаш, аёллар ва ёшлар бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида аҳамият қаратиб келмоқдамиз.

Йиғинимиз раиси Панжи Намозов ва йиғин ҳузуридаги доимий комиссиялар аъзолари билан ҳамжиҳатликда «Диний эркинлик ва бағрикенгликнинг асл моҳияти», «Одам савдоси — аср вабоси», «Оммавий маданият» таҳдиди», «Касбим — фахрим», «Одоб — кўнгил зийнати» каби мавзуларда кўплаб тадбирлар ташкил этяпмиз. Тарғиботташвиқот ишлари натижасида ҳудудимизда жиноятчилик, диний оқимларга мойиллик, эрта туғуруқ ҳолатлари кузатилмади. Фертиль ёшидаги аёллар мунтазам равишда тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Уларда бирор касаллик аниқланса, амбулатор ва стационар тарзда соғломлаштирилаётир.

Жорий йилда ҳудудимизнинг 40 нафарга яқин ёшлари касб-ҳунар коллежларини тамомлади. Уларнинг 20 нафардан зиёди олий ўқув юртларига ҳужжат топширган бўлса, қолганлари мавжуд шартномалар асосида корхона ва ташкилотларга ишга жойлашаётир. Мактаб битирувчилари эса, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларга жалб қилиниб, уларга маҳалланинг энг намунали хонадон аъзолари бириктирилган. Фаоллар ўқувчиларнинг келгусидаги давомати ва ўқишларини доимий назорат қилиб борадилар.

Ёшларимизнинг хорижга иш излаб кетишининг олдини олиш мақсадида уларнинг бандлигини таъминлашга ҳаракат қиляпмиз. Шундан келиб чиққан ҳолда Раъно Жумаева, Олим Фармонов, Наргиза Хўжанова, Баҳром Сафаров, Азиза Холмуродова, Бобур Нурқобилов каби тадбиркор, фермер, касаначи, ҳунармандлар ёрдамида ҳар йили 50 тага яқин янги иш ўрни ташкил этяпмиз.

Хуллас, маҳалламиз ривожига қўшаётган ҳиссамиз бевосита эзгу ниятимизга боғлиқ. Шу боис бу йўлдаги ҳар қандай интилиш ва саъй-ҳаракат зое кетмайди.

Норхол МИРЗАЕВА,
Шеробод туманидаги «Ёшлик» маҳалла фуқаролар йиғининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг республика босқичи ғолибаси.

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

ҲАМЖИҲАТЛИКДА ЎТГАН ТЎЙНИНГ ФАЙЗИ ЎЗГАЧА

Оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар урф-одатларимизнинг ажралмас қисми. Айниқса, тинч ва обод маҳаллада, ҳамжиҳатликда ўтадиган тўйнинг файзи ўзгача. Қавм-қариндош ва қадрдон маҳалладошлар шод-хуррамлик билан янги оила қураётган икки ёшнинг бахту саодатини сўраб, уларга эзгу тилаклар, ниятлар изҳор қилишади.

Мустақиллик шарофати билан миллий қадриятларимизнинг нечоғли қадр топаётганини биргина тўй-маросимларимиз мисолида кўришимиз мумкин. Ана шундай файзли тўйлардан бири яқинда пойтахтимизнинг Миробод туманида жойлашган «Байналмилал» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтди.

— Маҳалламизда яшовчи Мирзаевлар хонадонида қиз узатилди, — дейди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Маҳмуда Раҳмонова. — Тўйни бошлашдан олдин маҳалла ҳузуридаги Яраштириш комиссияси аъзолари ва тўй эгалари маслаҳатлашиб, маросимнинг қандай ўтказилиши тўғрисида келишиб олдик. Тўй ҳар томонлама ихчам, камхарж, миллий руҳда ўтди. Қиз базми, тантана билан куёвнавкарларни кутиб, уларга зиёфат бериш, тўйдан сўнг қовурдоқ олиб бориш, чаллари, қирқтадан ортиқ тоғора тўлдириш ва яна шу каби ортиқча дабдабабозликлар барҳам топди. Келин елкаси очиқ кўйлак эмас, ўзбек қизларига хос либос кийди. Уни олиб кетиш учун келадиган турнақатор машиналар сони анча камайди. Куёв томонида ўтказилган тўй ҳам бамаслаҳат бўлгани учун дастурхонга спиртли ичимликлару фалон пулга тайёрланадиган европача овқатлар ўрнига ўзимизнинг миллий таомларимиз тортилди. Навбат кутиб турадиган «бирровчи» хонандалар, ўйинчилар йўқ. Ортиқча сарф-харажатсиз ўтказилган тўйдан ҳамма хурсанд, қудалар мамнун, келин-куёв шод.

Бу тўй барчага манзур бўлди ва келгуси ойга мўлжалланган тўйни ҳам айнан шу тартибда ўтказишни режалаштирдик.

Дарҳақиқат, маслаҳатли иш яхшилик билан ниҳояланади. Кун сайин равнақ топаётган маҳаллаларимиздаги ҳар бир шодиёна йиғиннинг ҳамжиҳат, меҳр-оқибатли инсонлари билан файзли.

— Турли миллат вакиллари истиқомат қиладиган маҳалламизда 4,5 мингга яқин аҳоли яшайди, — дейди йиғиндаги Яраштириш комиссияси раиси Салим Раҳмонов. — Йиғин аҳли маҳаллада ўтказиладиган барча тадбир ва ҳашарларда фаол иштирок этади. Аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш мақсадида июнь ойининг бошларида Миробод тумани ҳокимлиги ва тумандаги маҳаллалар мутасаддилари билан биргаликда ҳудуддаги барча кам таъминланган оила фарзандларининг хатна тўйини «Фурқат» боғида ўтказдик. Ўғлининг суннат тўйини ўтказишни ўйлаб юрган ота-оналарнинг ташвиши ариб, қалблари қувончга тўлди. Тўйболаларга совға-саломлар улашдик. Бундан ташқари, эҳтиёжманд оилаларга никоҳ тўйларини ўтказишда кўмаклашяпмиз.

Юртбошимиз томонидан 1998 йил 28 октябрда қабул қилинган «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака маросимлари, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармон ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2012 йил 10 сентябрдаги «Тошкент шаҳридаги тўйхона, ресторан ва кафеларда тўй-ҳашам, оилавий тантана, маърака ва маросимларни ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори яраштириш комиссияси фаолиятида дастуриламал бўлмоқда. Барча тўй-ҳашамлар ушбу ҳужжатларга асосланган ҳолда ўтказилаётир. Бу эса турмушимиз ободлигини таъминлашда муҳим омилдир.

Дилдора ҚАРШИБОЕВА.

ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТ БИЛАН АДО ЭТИЛАЁТИР

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Анвар Исломов 4 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилувчи «Файзобод»нинг пасту баландини — кишиларнинг қандай кун кечираётгани, нима билан машғуллиги, кимга қандай муомала қилиш заруру ким қаров ва эътиборга муҳтож эканини яхши билади.

Шу боис уни маҳалладошлари ишонч билан фуқаролар йиғини ҳузуридаги «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори этиб сайлашган.

Айни пайтда сардор ушбу ишончни масъулият билан адо этаётир. Иш фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунлари, ҳукумат қарорлари ва тегишли низом асосида тизимли йўлга қўйиб олган А.Исломов асосий эътиборни ёшлар тарбиясига қаратган. Участка профилактика инспектори Рафиқ Пирназаров, йиғин раиси Тўхтапўлат Содиқов, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Муяссар Зокирова ҳамда мутахассислар иштирокида ҳудуддаги 214-умумтаълим мактабида ёш авлодни турли ёт ғоялар, бузғунчи кучлар таъсиридан ҳимоя қилиш, улар онгига ватанпарварлик, бунёдкорлик, бағрикенглик туйғуларини сингдиришга қаратилган тадбир ва учрашувларни мунтазам ташкил этиб келишади.

Айни ёзги таътил кунлари ҳам сардор ва посбонлар болажонларнинг мазмунли хордиқ чиқаришларини таъминлаш мақсадида турли тадбирлар, спорт мусобақалари уюштиришмоқда. Дарвоқе, А.Исломов ташаббуси билан маҳаллада Файзобод футбол клуби тузилган. Маҳалланинг футболчи ўспиринлари бугун нафақат туманда, балки шаҳар миқёсида ҳам шуҳрат қозониб боришаётир.

— Агар киши ёшликдан спортга ошно бўлса, у ҳам руҳан, ҳам жисмонан тобланади, вақтни беҳуда сарфламайди, — дейди сардор. — Шу боис фаолиятимни бошлаган давримданоқ футбол жамоаси тузишга киришдик. Ҳозирда жамоамиз сафи тобора кенгаймоқда. Қиз болалар учун маҳалла қошида турли тўгараклар йўлга қўйилган. Муҳими, маҳалла ва оилаларнинг фарзанд тарбиясида тобора жипслашаётгани ёш авлод камолотига хизмат қилмоқда. Жумладан, ҳудудимиздаги 7 нафар қаровчисиз қариянинг уй юмушлари, таъмирлаш ишлари ўғил-қизлар иштирокида бажарилди. Бундай амалий саъй-ҳаракатлар улар қалбида меҳр-оқибат, ўзгаларга ғамхўрлик қилиш, кексаларни асраб-авайлаш сингари эзгу фазилатларни куртак ёздираётир.

Файзободликлар асосан, ҳовли-жойларда истиқомат қилишади. Ёнма-ён дарвозалардан кириб-чиқадиган кишилар бир-бирига қон-қариндошдек яқин, турли миллат вакиллари иноқ, аҳил, ҳамжиҳат яшашмоқда. Бир неча йилдирки, ҳудудда гиёҳвандлик, жиноятчилик қайд этилмади. Бу ҳол қонунларга ҳурмат билан қараётгани, қатъий тартиб-интизом ўрнатилгани, муҳими, аҳолининг ҳуқуқий маданияти юксалаётганидан далолат.

«Маҳалла» посбони жамоат тузилмаси тўғрисидаги низомда белгиланишича, тузилмага фуқаролар йиғини кенгашининг қарорига биноан Ватан ва халқ манфаатлари йўлида садоқат билан хизмат қилишга тайёр, жисмоний ва маънавий соғлом, жиноятчиликнинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлашда ҳуқуқ-тартибот органларига кўнгилли равишда ёрдам бериш истагини билдирган кишилар қабул қилинади. «Файзобод»даги 8 нафар посбон йигит ҳам худди ана шундай фазилатлари билан халқ эътиборини қозонган. Айниқса, Тоҳир Тошкенбоев, Зоир Қулаҳмедовлар тинчлик ва осойишталикни таъминлашда сидқидилдан хизмат қилиб, кўпчиликка ибрат бўлмоқдалар.

Қисқаси, юрт осудалиги, халқ фаровонлиги йўлида амалга оширилган эзгу ишлар боис бугун «Файзобод» энг намунали гўшалардан бирига айланди.

Ю.ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

Релсдан чиқиб кетди

☑ **Краснодар ўлкасида йўловчи поезди ҳалокатга учради.**

Фавқулодда вазиятлар бошқармаси маълумотига кўра, поезд вагонлари релсдан чиқиб кетгани оқибатида камида 72 киши жароҳатланган. Айримларининг аҳволи ўта оғир.

Бешта вагон ағдарилган. Ҳалокат сабаблари ўрганилмоқда.

Мактабдаги ёвузлик

☑ **Нигерия шимоли-шарқидаги Йобе штатидаги мактабга жангарилар томонидан қилинган ҳужум оқибатида ҳалок бўлганлар сони 42 нафарга етди.**

Уларнинг асосий қисми ўқувчилардир.

Ҳужум ортида «Боко Ҳарам» радикал гуруҳи тургани айтилмоқда. Гувоҳларнинг сўзларига кўра, жангарилар мактаб биносига ўт қўйиб, ўқувчиларни ўққа тутган. Кейинги пайтларда гуруҳ жангарилари ўнлаб қурбонларга сабаб бўлган йирик портлашларни уюштирган.

Ҳалокатга учради

☑ **АҚШнинг Сан-Франциско халқаро аэропортида Жанубий Кореянинг «Asiana Airlines» авиаширкатига қарашли «Boeing-777» самолёти қўниш чоғида ҳалокатга учради.**

Оқибатда икки киши нобуд бўлди, ўнлаб одам тан жароҳати олди.

Сеулдан учиб келган самолёт бортида 292 нафар йўловчи ва 16 нафар экипаж аъзоси бор эди.

Маълумотларга кўра, ҳалок бўлган икки йўловчи хитойлик экан. 50 чоғли киши оғир аҳволда касалхонага ётқизилган.

Самолёт двигателида илгари носозлик кузатилмаган, унинг ўзи ҳам деярли янги эди.

Сабаблари ўрганилмоқда

☑ **Канаданинг Квебек вилоятида содир бўлган йирик темир йўл ҳалокати оқибатида нефт ортилган цистерна портлаб, беш киши ҳалок бўлди.**

Маълумотларга кўра, тепаликда тўхтаб турган 70 та товар вагонидан иборат поезд номаълум сабабга кўра ҳаракатга келган. У тепаликдан қулаган пайтда машинист ўз жойида бўлмаган.

Натижада ўнлаб одам бедарак йўқолган. Қурбонлар сони ортиши мумкин.

Интернет маълумотлари асосида Парвина ОМОНОВА тайёрлади.

МАҲАЛЛАМИЗ ЧЕМПИОНЛАРИ

ОЛТИ ЁШДА ОСИЁНИ ЗАБТ ЭТГАН ЎҒЛОН

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Спорт жаҳонда ҳар қайси миллат, ҳар қайси халқни дунёга танитишнинг, унинг ўз салоҳиятини намоён этиши, ғурур ва ифтихорини юксалтиришнинг муҳим воситаларидан бирига айланган.

Айниқса, шахмат каби инсондан юксак интеллектуал салоҳият, маънавий етуклик, ақл-заковатни талаб этадиган мураккаб спорт турида ғолиб чиқиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги «Темирйўлчи» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Исломбек Синдаров олти ёшида шахмат бўйича Осиё чемпиони бўлди.

У 2013 йилнинг июнь ойида Эронда 18 ёшгача ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида иштирок этиб, блиц турнирида етти ўйинда олти ғалаба, классик шахмат бўйича етти ўйинда етти ғалаба, рапид мусобақасида етти ўйинда етти ғалабани қўлга киритди ва учта олтин медаль билан Осиёнинг уч карра чемпионига айланди. Йигирмага яқин давлатдан келган 270 нафар шахматчи орасида олти ёшли Исломбек 20 партияда ғалаба қозониб рекорд ўрнатди.

Исломбекнинг акаси Жавоҳир Синдаров шу йил саккиз ёшида шахмат бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлди. Ёш шахматчиларимизнинг халқаро майдондаги ғалабалари сони ва салмоғи ортиб бораётгани, аввало, истиқлол йилларида ёш авлод камолоти йўлида барча шарт-шароит ва қулайликлар муҳайё этилаётганининг яққол мисолидир.

— Маҳалламизда 8 ярим мингдан зиёд аҳоли яшайди, — дейди «Темирйўлчи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдужаббор Каримов. — Шулар орасида Синдаровлар хонадони кўпчиликка намуна. Исломбек юртимиз шарафини улуғлади. Унга ҳавас қилиб маҳалладаги кўплаб болалар спорт тўгаракларига қатнай бошлашди. Дарвоқе, йиғинимизда спортнинг бир нечта тури бўйича тўгараклар ташкил этилган. Деярли барча болалар уларга аъзо.

Шахмат кишида кучли ирода, ғалабага интилиш, қийинчиликларни енгиш руҳини тарбиялайди. Бундай руҳ эса инсонда ватанпарварлик, эл-юртга содиқлик, фахр ва ифтихор туйғуларини шакллантиради. Ҳали мактаб остонасига қадам қўймай Осиёни забт этган Исломбекнинг ютуқлари замирида ҳам ана шундай музаффар руҳ, букилмас ирода мужассам. Умид қиламизки, Исломбек дунё шахмати усталарини ҳам ортда қолдирадиган чемпион бўлади.

Дилдора МУРОДОВА.

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.
Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви
Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Телефонлар: 236-53-93 233-39-89 236-53-75 236-57-62
Факс: 233-10-73
ISSN 2010-7013
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Ю.Ҳожиева
Нашр навбатчиси: Б.Ҳалимов
Нашр кўрсаткичи: 148
Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.
19100 нусхада чоп этилди. Буюртма J-7555 Топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00